

## Александр Македонский тарихи (Маълумот)

Марказий Осиё, жумладан Суғдиёнинг антик даврлари тасвирланган асарлар ичида Квинт Курция Руфнинг “Александр Македонский тарихи” асари алоҳида ўрин тутади. Унда Марказий Осиёнинг эрамиздан аввалги IV—III асрларига оид воқеалар кенг ёритилган. Курция Руфнинг бу асарининг Марказий Осиё ҳақидаги бошқа асарлардан фарқли томони шундаки, унда икки дарё Окс (Аму) ва Яксарт (Сир) оралиғидаги тарихий воқеалар кенг ифодаланган. Курция Руфнинг ушбу асари Диодор, Юстин, ҳатто жаҳон адабиётида муҳим ўрин тутган Плутархнинг “Александр” ҳаётномасидан ҳам устун эканлигани кўрамиз. У “Александрнинг юриши” асарида ҳам бир қадар устун даражададир.

Асарнинг VII китобида ва VIII китобнинг бир қисмида Ўрта Осиё воқеалари тасвирланган. Асарда ифодаланишича, Александр Суғдиёна ерларига қўшни бўлган Гирконияга қўшин билан бостириб киради. “Атроф қумлик, саҳро, қуёш қиздиради. Сув танқис эди. Қумлик худди олов пуокаётгандек”.

Македонияликларнинг Суғдиёнинг олов пуркаб турган иссиғига мослашишлари жуда қийин бўлади. “Бу ерларда кечаси юриш анча қулай. Айниқса, тонг палласидаги муздаккина саҳро шабадаси, қуёш чиқиши билан эса ҳарорат кўтарилади. Сўнгра бутун аъзои баданингиз ёна бошлайди. Жангчилар аввал руҳан тушкунликка тушишади, сўнгра иссиққа бардош беролмай, ҳолдан тоя бошлашади”.

Ёзувчи ўз асарида саҳро манзарасига анча кенг ўрин берган. Ой ёки кунини аниқ кўрсатмаса ҳам, македонияликларнинг бу ерлардан саратон ойларида ўтганлигини аниқлаш қийин эмас.

Ёзувчи жангчилар иссиққа бардош беролмай охирги виноларигача, ҳатто майларигача ичиб қўйганлигини айтади. Уларга суюқлик бўлса бас эди, қараб ўтирмасдан ичаверардилар. Айримларининг қорни шу даражада шишиб кетган эдики, ҳатто қурол кўтаришга ҳам дармонлари етмасди, деб ҳикоя қилади ёзувчи. Ҳақиқатан ҳам Курция Руф асари грек ва Рим адабиётидаги Ўрта Осиёга бағишланган бошқа кўпгина асарлардан табиат тасвирига алоҳида эътибор берилганлиги билан фарқ қилади.

Шундан сўнг Александр Окс дарёсидан ўтиб, унча катта бўлмаган Бранхидлар шаҳарчасига етиб келади. Ёзувчи бу шаҳар аҳолисининг тарихига алоҳида тўхталади. Эрон шоҳи Ксеркс греклар билан бўлган жангда уларнинг бир қисмини асир олиб, Суғдиёна чўллариغا олиб келиб ташлаган эди. Бугун бу бранхидлар Александрни ўзларининг яқин қавмларидек қарши оладилар. Ёзувчининг ўз асарида тасвирлаётган воқеалардан илгариги даврга, узоқ ва яқин ўтмишга мурожаат этиши тарихий насрда кўп учрайди. Бу ўринда ёзувчи бранхидлар тарихига мурожаат этиб катта бир воқеани эсга солишга муваффақ бўлган.

“Қадимги дунё тарихи” китобидан